



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 60 (13.907)

Баҳоси эркин нарҳда

## ҚОЗОҒИСТОН – ЯҚИН ҚЎШНИМИЗ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИМИЗ ВА ҚАЛИН ШЕРИГИМИЗ

### ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛДИ

у қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев 2017 йилда олий даражадаги мулоқотлар сўнггида 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олган эди.**

Бу халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеа сифатида қардошлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда. "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 15 апрель куни Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаев нутқ сўзладилар. Давлат раҳбарлари Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида фаоллашган маданий-гуманитар алоқалар халқларимизни янада яқинлаштирганини таъкидладилар. Мазкур йирик тадбир халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаб, азалий дўстликни улуғлашдек муштарак мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутишини қайд этдилар. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг очилиши стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш кучайиб бораётгани-

дан далолат беради. Ушбу муҳим воқеа халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстлик, маданий ва маънавий яқинлик рамзидир, деди Шавкат Мирзиёев. Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида ўтказилган тадбирлар қардош халқларимиз маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашни қайд этди. Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон йили очилди, деб эълон қилинди. Маълумки, Қозоғистонда 2018 йилда кенг нишонланган Ўзбекистон йили доирасида иқтисод, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда қўллаб-тадбирлар, маърифий учрашувлар, турли фестивал ва ижодий кечалар ўтказилди. Икки мамлакат санъат намояндаларини ўзаро таширлари амалга оширилди. Ўзбек Миллий академик драма театри, Навоий вилояти ижодий жамоаларининг гастроль сафарлари қўшни Қозоғис-

тон вилоятларида катта қизиқиш билан қарши олинди. Бугунги кунда мамлакатларимиз олий таълим тизимида ҳамкорликка оид 50 дан зиёд битим ва келишувлар амал қилади. Мамлакатимиздаги 400 га яқин мактабда қозоқ тили ўқитилади, олий таълим муассасаларида қозоқ тили, математика, физика ва бошқа фанлар бўйича педагог кадрлар тайёрланади. Чимкент шаҳрида 2018 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ва Қозоғистон халқ ассамблеяси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Бу икки мамлакат ҳудудида ўзбек ва қозоқ тилларини ўрганишдаги ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 14-15 апрель кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.**

Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунларидан Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Қозоғистон билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни ривожлантириш йўлидан борди. Халқларимиз нафақат яқин қўшни, балки қардош сифатида қўп қиррали ҳамкорлиқнинг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келган. Ўтган йиллар давомида бу алоқалар янада мустаҳкамланди, мамлакатларимиз яхши қўшни ва ўзаро манфаатли ҳамкор сифатида тараққиёт йўлидан елкамаелка бормоқда.

Давлатларимиз ўртасида стратегик шерикликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг ҳиссаси бекиёс.

Президентимизнинг очил ва прагматик сиёсати, хорижий давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари натижасида Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Президентимизнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз муносабатлари ривожига тарихий даврни бошлаб берди. Уша йили 16-17 сентябрь кунлари Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми бўлди.

Ўтган қисқа вақтда икки томонлама алоқаларда илгари кузатилмаган юқори натижаларга эришилди. Икки давлат раҳбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг мазкур давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришда навбатдаги қадам сифатида икки томон учун бирдек манфаатлидир.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрель куни бўлиб ўтди.

Кўксарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев тор доирада учрашув ўтказди.

Президентимиз Қозоғистон Президентини Ўзбекистонга ташрифи билан қўллаб, мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги мулоқотларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

Сизнинг Қозоғистон Республикаси Президентини сифатида Ўзбекистонга илк давлат ташрифи билан келганингизни жуда юксак қадрлаймиз. Биз бунини икки томонлама стратегик шериклик муносабатларининг яна бир асоси деб биламиз. Қозоғистон бизнинг яқин қўшимиз, ишончли ҳамкоримиз ва қалин шеригимиздир. Биз ҳеч қачон бир-биримиздан ажралмаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Қозоғистон Президентини таклиф учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор қилиб, музокаралар самарали ўтишига ишонч билдирди.

Халқларимизнинг тарихи, дини, тили бир, ўхшаш маданий қадриятларга эга. Сиз, ҳурматли Шавкат Мирмонович ва Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев давлатлараро муносабатларни юқори босқичга олиб чиқдингиз. Бу сўрхати сақлаб қолишни ўзимнинг асосий вазифам деб биламан. Қозоғистонда қардош Ўзбекистон билан алоқаларга талаб жуда катта, деди Қосим-Жомарт Тоқаев.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил тараққий этмоқда. 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликка мустаҳкам асос бўлмоқда.

Ўзбекистон билан Қозоғистон БМТ, ШХТ, МДХ, ИХТ, Орolni кўтариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қозоғистон мамлакатлари ташаббуси билан БМТ шафёлигида ташкил этилган Орoлбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича қўп томонлама шериклик асосидаги Траст фонди фаолиятини қўллаб-қувватлади.

Президентлар минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар юзасидан фикр алмашди. Жумладан, икки ва қўп томонлама тузилмалар доирасида халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмилийл уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция ва халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича бир-бирига чоралар кўришга келишиб олинди.

Давлат раҳбарлари Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш ва ушбу мамлакат билан узоқ муддатли яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш, жумладан, транспорт коммуникациялари, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда)

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич! Хонимлар ва жаноблар! Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар! Сиз, азизларни меҳмондўст Ўзбекистон заминида яна бир бор кўтлаймиз. Бутун Ўзбекистон халқи номидан биродар Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевнинг мамлакатимизга илк бор давлат ташрифи муносабати билан чукур мамнуният изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич! Азиз дўстлар! Хонимлар ва жаноблар! Бугун сизларни Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг тантанали очилиш маросимида қўллашдан мамнунман.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти, Элбоши, оғам, мухтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевнинг 2017 йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи чоғида биз ўтган йили Қозоғистонда Ўзбекистон йилини, бу йил эса юртимизда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олган эдик.

Фурсатдан фойдаланиб, қўпмиллатли Ўзбекистон халқи номидан Нурсултон Абишевичга мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган бекиёс ҳиссаси, шунингдек, мамлакатингизда ўтказилган ажойиб, ёрқин ва унутилмас Ўзбекистон йили тадбирлари учун самимий миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Бугун мухтарам Қосим-Жомарт Кемелевич билан биргаликда Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг очилиши мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш, биродарлик ришталари узвий мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Бу муҳим воқеани, шунингдек, халқларимиз ўртасидаги азалий ва самимий дўстлик, маданий ва маънавий яқдиллик рамзидир.

Қозоғистоннинг Абай Қўнонбоев, Мухтор Аевзов, Ахмет Байтурсунов, Илёс Есенберлин, Улжас Сулаймонов ва бошқа қўллаб-атқоли маданият намояндалари тинчлик ва эзгуликни асраш, халқларимизга хос юксак инсоний фазилатларни тараннум этган.

Ўзининг ўшунча асарлари билан улар ушбу эзгу қадриятларни хозирги авлодга етказиш, мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги аънавий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини кенгайтиришга улкан ҳисса қўшган.

Шу муносабат билан мен ҳамкорлигимиз келажакка катта некинлик билан қарамоқдаман ва Ўзбекистондаги Қозоғистон йили тадбирлари ушбу қўп асрлик алоқаларни янада мустаҳкамлашга ишончим комил.

Бугунги кунда Қозоғистон бутун дунёга давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида, жумладан, замонавий рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифа-

тини изчил ошириш бўйича эришилган салмоқли муваффақиятларини намойн қилаётганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Ишончим комилки, мамлакатимизда Қозоғистон йили тадбирлари нафақат ушбу йўналишдаги ишлар натижаларини намойиш қилиш имконини беради, балки мамлакатларимиз санъати, илм-фани, таълими, бизнеси вакиллари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, билим ва ютуқларни алмашиш учун янги уфқлар очиб беради.

Буларнинг барчаси маданиятларни бойитиш, халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Юртимизда яқинда ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида қозоғистонлик Улжан Байбуינוва Гран-прига сазовор бўлгани ҳам қувонарли ҳол.

Барча қозоғистонлик дўстларимизни самимий кўтлайман! Азиз дўстлар! Ўйлайманки, Ўзбекистонда Қозоғистон йили қардош мамлакат санъат усталарининг катта концерт дастури – қўпмиллатли Қозоғистоннинг ёрқин ва серкира намойиши билан бошланганида рамзий маъно муассас.

Дарҳақиқат, шеърят, мусиқа ва қўшиқ халқларнинг энг пок ва гўзал орзу-умидлари, эзгу интилишларини ифода этади.

Шу муносабат билан қозоғистонлик дўстларимиз, барча иштирокчиларга ушбу байрам концертни ташкил қилганликлари учун самимий миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Ҳурматли дўстлар! Қозоқ халқ мақолида айтилганидек: "Туы-сы жа-кын – жа-кын емес, қўны-сы жа-кын – жа-кын".

Биз қардош Қозоғистон билан йўлга қўйилган дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини қадрлаймиз ва энг яқин қўшимиз билан мулоқот ҳамда қўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга интиламиз.

Биз бир-биримизга ҳамisha елкадош бўлиб келганимиз, хавф-хатарларга қарши биргаликда курашганимиз, бугун эса умумий ёрқин келажакимизни ҳам бирга қурмоқдамиз.

Ўйлайманки, улуг бобоқалонларимиз Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоевларнинг муқаддас руҳи бизни бу йўлда қўллаб-қувватлайди.

### ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОСИМ-ЖОМАРТ ТОҚАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алейкум, Ҳурматли ва азиз Ўзбек қардошлар! Аса қўрметти, Шавкат Мирмонович, жеке Озінізге және Озбекстан халқына жылы шыраймен қарсы алып, қонақжайлық көрсеткендеріңіз үшін зор алғыс айтамын. «Қазақ пен өзбектің базары да бір, мазары да бір» деп бабаларымыз бекер айтпаған.

Екі халықтың тілі де, діні де, тағдыры да, тарихы да біртұтас. Халқларимиз Марказий Осиёдаги қўна ва буюк тамаддун ворисларидир.

Биз қўллаб муҳим синовларни биргаликда энгиб, аждодларимиз аънавалари, қадриятлари ва маданий-маънавий меросини сақлаб қолдик.

Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ва самарали ҳамкорлик ушбу тарихий дўстликнинг мантиқий давомидир.

Кейинги йилларда қардош ва дўст мамлакатларимизнинг сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқалари янада юксак босқичга кўтарилди.

Чегарадош ҳудудлар ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бормоқда, товар айирбошлаш ҳажми муттасил ортмоқда.

Шуни қатъий ишонч билан таъкидлашимиз мумкинки, бугунги кунда Қозоғистон – Ўзбекистон муносабатларида муаммоли масалалар мавжуд эмас. Аксинча, дўстлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга ўзаро интилиш мавжуд.

Қозоқ халқи азалдан қардошлик ва дўстлик ришталарига содик, яхши қўшничиликни қадрлайди.

Мамлакатимизда деярли барча ҳудудларда очилган ўнлаб ўзбек этномаданият марказлари фаолият юритмоқда.

Қозоғистонда ўзбек тили медиа соҳаси, таълим тизими, маданий ҳаётда қўлланилмоқда. Иккита ўзбек театри томошабинлар ўртасида муваффақият қозонган.

Мамлакатингизда доимий равишда яшаб келаятган қозоқларга қўрсатилаятган ғамқўрлик учун Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдоримиз.

Ҳурматли дўстлар! Биз ҳақиқатдан тарихий воқеалар гувоҳи ва иштирокчисимиз. Жаҳон сиёсий харитаси ўзгариб, унда давлатларимиз муносиб ўрин эгаллади.

Марказий Осиё минтақасининг муваффақиятли иқтисодий тараққиёти, барқарорлиги ва хавфсизлиги қўп жиҳатдан Қозоғистон билан Ўзбекистоннинг яқин ҳамкорлиги ва ўзаро мувофиқлашган саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев ва мухтарам Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Қозоғистон – Ўзбекистон муносабатлари ҳақиқий юксалиш даврини бошдан кечирмоқда.

Қозоғистонда ўтган Ўзбекистон йили яқин алоқаларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ўзинг доирасида 200 дан зиёд қўша тадбирлар ўтказилди, улар орасида Чимкентда бўлиб ўтган биринчи Худудлараро форум алоҳида ўрин эгаллади.

Икки томонлама товар айирбошлашни 5 миллиард долларга етказишдан иборат мақсадимиз сари изчил ҳаракат қилмоқдамиз. Ўзаро транспорт қатновини фаолаштириш борасида иш олиб боришмоқда.

Мамлакатларимиз транспорт-логистика инфраструктурасини ривожлантириш, Европа ва Осиё бозорларига чиқиш учун катта имкониятлар яратмоқда.

Азиз ўзбекстонлик дўстлар! Ўзбекистонда Қозоғистон йили нафақат икки томонлама муносабатларимизда, балки бутун Марказий Осиёда ўзаро англашув ва ишонч муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи ўзига хос улкан воқеадир.

Мен мамлакатларимизнинг нафақат туркий, балки бутун жаҳон маданияти дурдонаси бўлган бош маънавий ва тарихий марказларини ўзаро боғлашни таклиф этаман.

Туркiston, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини бир йўналиш орқали туташтирган ҳолда туризм кластерини очиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Қадірли бауырлар! Улы Абайдың «Татулықтан артық жолдас жоқ» деген канатты сөзі бар.

Қазақ пен өзбектің қуанышы да, мұны да, мақсат-мұраты да бір.

Аждодларимиз васият қилган қозоқ ва ўзбек халқларининг дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини асраб-авайлаш – умумий бурчимиз.

Ўзбекстандағы Қазақстан жылың ашық деп жариялаймын!

Ўзбекистонда Қозоғистон йилини очик, деб эълон қиламан!

# ҚОЗОФИСТОН – ЯҚИН ҚЎШНИМИЗ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИМИЗ ВА ҚАЛИН ШЕРИГИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий даражадаги музокаралар чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Кейинги йилларда иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқларида жадаллашган алоқалар тўғрисида ўзаро савдо ҳажми 2018 йилда қарийб 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошди.

Томонлар яқин йилларда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказишга интилишни тасдиқлади. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссияга савдо алоқалари номенклатурасини кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорликнинг янги узоқ муддатли шакллари топиш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Бу ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, савдо, инвестициялар, логистика соҳаларида янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, интеграциялашган sanoat технопарклари, илмий-инновацион кластерлар ва эркин иқтисодий зоналар ташкил этишга хизмат қилади.

Томонлар 2018 йил ноябрь ойида Чимкент шаҳрида ўтган биринчи Ўзбекистон – Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ва 2019 йил мартда Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё мамлакатларининг биринчи минтақавий иқтисодий форуми яқунларини ижобий баҳолади.

Бугунги кунда юртимизда Қозоғистон капитали иштирокидаги 336 та корхона ва 16 та компания ваколатхонаси, Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 199 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан савдо, транспорт-логистика ва бошқа хизматлар кўрсатилиб, қурилиш материаллари ҳамда кенг турдаги халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатларимиз автомобиль ва темир йўлларда юк ва йўловчи ташишда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларидан ташқи савдо юқларини ташишда ўзаро преференциялар ва қўшимча имтиёзлар жорий этилгани савдо ҳажмининг сезиларли ошириш имконини бермоқда.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш, шунингдек, ўтказиш пунктларининг самарали фаолиятини таъминлаш жараёни муваффақиятли давом этаётгани, бу икки мамлакат чегарадош ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароити-

ни салмоқли даражада яхшилаш, трансчегаравий иқтисодий алоқалар ва гуманитар алмашинувларни жонлантириш, фуқароларнинг ўзаро ташрифларини фаоллаштиришга хизмат қилганини мамнуният билан қайд этдилар.

Томонлар Оролни қутқариш халқаро жамғармаси доирасида минтақа давлатларининг халқаро ташкилотлар, молия ва экология институтлари билан Орол денгизи ҳавзасида муайян дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини тасдиқлади.

Музокараларда транспорт, логистика, саноат кооперацияси соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимизнинг экспорт салоҳияти ва транзит имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Қўшма баёнотни имзоладилар.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид 10 га яқин ҳужжат имзоланди. Солиқ резидентлигини тасдиқловчи расмий ҳужжатларни тан олиш тартиби, Ўзбекистон ва Қозоғистонда фаолият юритаётган икки мамлакат фуқароларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний миграцияга қарши курашиш тўғрисида битимлар, “Марказий Осиё” савдо-иқтисодий ҳамкорлик марказини ташкил этиш тўғрисида меморандум ва бошқа соҳаларга оид келишувлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Дин ишлари бўйича қўмита билан Қозоғистон Республикаси Ахборот ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифингда давлат раҳбарлари музокаралар аънаваний дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва очиклик руҳида ўтганини, икки томонлама муносабатларнинг муҳим масалалари, ўзаро манфаатли минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинганини алоҳида таъкидладилар. Ташриф чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари ўртасида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги сифат босқичига олиб чиқиши қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонида ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
ЎЗА мухбири

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОФИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛДИ

### У қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартда “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шунинг баробарида Қозоғистонда сўз мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги катта тантана қилинди. Бу адабиёти ва маданияти бир дарёдан сув ичган, азалдан қавму қариндош бўлган халқларимиз ҳаётидаги муҳим воқеадир. Мамлакатимизда Қозоғистон адабиёти ва маданияти марказининг очилиши эса ушбу соҳадаги ҳамкорлик бардавомлигининг яна бир тасдиғи бўлди.

Дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда Ўзбекистон – Қозоғистон парламентлараро дўстлик гуруҳлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2018 йил ноябрь ойида икки мамлакат парламентлари қуйи палаталари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланиши қонун ижодкорлиги муносабатларида янги даврни бошлаб берди. Бу, ўз навбатида, савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда Қозоғистон йилига катта тайёргарлик кўрилди. Унинг доирасидаги тадбирлар санъат, фан, таълим ва тадбиркорлик соҳалари вакилларига ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, билим ва тажриба алмашиш учун янги уфқлар очди. Маданиятларимиз бир-бирини бойитишига, халқларимиз янада яқин бўлишига хизмат қилади.

– Бу йил Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг кенг ишонганини ҳудудлар ўртасидаги маданият, ижтимоий-гуманитар ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади, – деди Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Аристанбек Мухамедиули. – Кўплаб маданий тадбирлар, икки мамлакат санъат усталари ва театр жамоаларининг гастроль сафарлари ташкил этилади.

Бутун дунёда мамлакатларимизнинг бой тарихи билан танишиш, бетакрор урф-одат ва аънаваларини ўрганиш, меъморий ёдгорликлари мисолида асрий тамаддун ютуқларидан баҳраманд бўлиш истағида бўлган сайёҳлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Шу боис ҳам бугун туризм соҳасидаги ҳамкорлик биз интилаётган муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида ўтказилган қўшма тадбирлар ва лойиҳалар айни шу каби ҳамкорлик учун ҳам мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Очилиш маросими катта концерт дастури билан давом этди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи яқунланди.

З.ЖОНИБЕКОВ,  
У.ШОНАЗАРОВ,  
ЎЗА мухбирлари

## ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМО ҲИМОЯДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга асосан ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган.**

Шайхонтоҳур туман адлия бўлими томонидан бу борадаги чора-тадбирлар изчиллик билан давом эттириш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, туман адлия бўлими томонидан фуқаро Гулчера Аҳмедованинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилмаётганлигини норози бўлиб йўллаган мурожаати кўриб чиқилди. Аниқланишича Шайхонтоҳур туман қурилиш бўлими ўз ҳулосасида Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 12 июндаги 748-сонли қарорига асосан фуқаро Г.Аҳмедованинг уйи бузилишига мўлжалланган ҳудудда жойлашганлиги асос қилиб кўрса-

тилган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 461-сон қарори 1-илоvasи билан Низомнинг 4-боб 26-бандининг учинчи хатбошида кўчмас мулк объектларига эгалик ҳуқуқи манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Юқоридагиларга асосан, туман адлия бўлими томонидан туман ҳокимлиги ҳузурдаги кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ишларини ташкил қилиш комиссияси ва туман қурилиш бўлимига қонун ҳужжати ижроси бузилишининг олдини олиш ҳамда бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома киритилди.

Мазкур тақдимнома натижасида туман қурилиш бўлими томонидан фуқаро Г.Аҳмедованинг уй-жойига бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича ижобий ҳулоса берилди. Туман комиссияси томонидан фуқаро Г.Аҳмедованинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Натижада жорий йил 5 март куни Шайхонтоҳур туман ҳокимининг Г.Аҳмедовага ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги қарори қабул қилиниб, мурожаат тўлиқ қаноатлантирилди.

Ф.АКБАРОВ,  
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бошлиғи

## ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

**Маълумки, кейинги йилларда энергетика соҳасининг муқобил тури ҳисобланган қайта тикланувчи энергия манбалари глобал аҳамият касб этиб, дунё иқтисодиётидаги астувор йўналишлардан бирига айланиб бормоқда.**

Мутахассисларнинг фикрича, яқин келажакда у ёки бу давлатнинг барқарор ривожланиши учун энергетика тармоғида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш салмоғига узвий боғлиқ бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис ушбу соҳанинг қонуний базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки айнан шу йўл орқали ушбу соҳа муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади ва унинг ривожини таъминланади.

Қўпгина мамлакатларда қонун йўли билан давлат, бизнес ва нодавлат сектор эътиборини мазкур соҳага қаратиш, муқобил энергия манбаларининг ривожини ушбу давлат томонидан рағбатлантирувчи чораларни кўриш, субсидиялар сиёсатини қўллашга нисбатан муносабат шаклланиш, 50 дан ортиқ давлат қонунчилигида рағбатлантириш ва субсидия акс эттирилган. Масалан, Хитойда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, қайта тикланувчи энергия манбасини, хусусан, кўвша ва шамол энергиясининг олинмаган электр манбасини умумийлик электр тармоқларига улаш назарда тутилган. Бу давлатда қайта тикланувчи энергия манбалари қатор имтиёзлар белгиланган.

Муқобил энергия манбалари бўйича халқаро қонунчилик тажрибаси ҳақида сўз борганда Европа мисолида бу борадаги амалиётга алоҳида тўхталиб ўтиш

мақсадга мувофиқ. Зеро, бу минтақада мазкур соҳада етарлича тажриба тўпланган бўлиб, бундай манбаларни ривожлантириш минтақа энергетика сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Қабул қилинган ҳужжатларда қайта тикланувчи манбалар ёрдамида олинмаган электр энергиясининг улуши 2020 йилга бориб 20 фоизга етказиш назарда тутилган. Амалдаги қатор қонунчиликка биноан, кўриладиган чоралар натижасида Европа Иттифоқида 2020 йилда қайта тикланувчи энергия манбаи соҳасида 2,8 миллионга иш ўрни яратилиши, қайта тикланувчи энергия индустриясининг иттифоқ ялли ички маҳсулотига ҳиссаси 1,1 фоизни ташкил этиши кутулкида.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаи йўналишида миллий режа, махсус дастур ишлаб чиқиш, мазкур соҳа учун олий ва ўрта-махсус ўқув юрларида кадрлар тайёрлаш бўйича тизим яратиш амалиёти муҳим аҳамиятга эга. Чунки углеводород ҳам ашёсининг жадон миқёсидаги захиралари камайиб бораётган шароитда муқобил энергия манбаларидан амалда фойдаланиш иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардорлигини оширишнинг энг муҳим омилли сифатида қаралмоқда.

С.ВАЛИХАНОВ,  
“Ўздавэнергоназорат” инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қарши шаҳридаги Ватанпарварлар боғида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисмларига қақирилган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

• Бухоро шаҳридаги “Семург” спорт мажмуасида вилоятдаги болалар-ўсмирлар спорт мактабларига Президентимиз томонидан спорт анжуми ва жиҳозлари билан тақдирлаш тўғрисидаги сертификатлар топширилди.

• Андижон давлат университетига қиймати 140 минг АҚШ долларига тенг инновацион лойиҳа амалга оширилади. Лойиҳанинг асосий йўналишлари – “Олий таълим муассасалари ва саноат алоқасини кучайтириш” ҳамда “Ўқитиш амалиётини такомиллаштириш” бўйича университет томонидан ишлаб чиқилган консорциумга юртимиздаги нуфузли илмий-тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш корхоналари, Берлин техника (Германия), София (Болгария) кимё-технология ва металлургия университетлари киритилган.

• Фарғона вилояти Фарғона туманида Оқбилал – Ямбарақ автомобиль йўли янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур йўл қурилишига 21 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу масофани 30 километрга қисқартириб, одамларнинг йўл харажатларини камайтиришга хизмат қилади. Энг асосийси, қарийб 1,5 соат вақт тежаллади. Шунингдек, янги қурилган йўл Олтиари, Риштон туманларидаги 250 мингдан ортиқ аҳолининг ҳам узоғини яқин қилади.

## ЖАҲОНДА

• АҚШнинг Тафт университети олимлари помидор таркибидаги ликопин каротиноидли пигменти жиғарнинг ёғ босиши касаллиғи, саратон ва яллиғланишнинг ривожланиш жараёнини камайтиришини тадқиқотлари бўйича исботладилар. Маълум бўлишича, ликопин фойдали микрофлора сони ва турларини кўпайтиради, бу эса яллиғланишни қақирувчи баъзи бактерияларнинг ҳаддан ташқари ўсишига тўсқинлик қилган. Бу ҳолда жиғарни ёғ босиши ва саратон касаллиғи эҳтимоли пасайган.

• Бразилиянинг Парана штатида кеманинг кўприкка келиб урилиши натижасида кўприк кулаб тушди. Бу вақтда кўприк устида иккита автомобиль ҳаракатланаётган эди. Ҳозирча жабрланувчилар сони аниқ эмас. Кўприкнинг бузилиши натижасида мамлакатнинг шимолий ҳудудларига соя, буғдой ва бошқа бошоқли донларнинг етказиб берилиши маълум муддатгача издан чиқди.

## ҚИСКА САТРАПДА

• Яққасарой туманида қурилган замонавий типдаги 2 та 4 қаватли жами 30 та хонадонга мўлжалланган уй-жойлар қурилиб, эгаларига топширилди.

• Пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Соғлом озми кун” оммавий тадбирлари доирасида 5 км. масофага фаол юриш ва велосайр ташкил этилди.

• “Ўзэкспомарказ” миллий кўрғазмалар мажмуасида “BankExpo-2019” банк-молия хизматлари, усқуналари ва технологияларининг миллий кўрғазмаси бўлиб ўтди.

• Тошкент шаҳар ҳокимлигида Италиянинг “Kedriol Biopharma” тиббиёт компанияси вакиллари иштирокида учрашув ўтказилди.

**Май – Фуқаролар йигини раислиги сайловлар оғи**

**Миробод туманидаги 328-сонли мактабда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Фуқаролар йигини раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Тошкент шаҳар ва туманлар комиссиялари аъзолари, 508 та маҳаллада ташкил этилган ишчи гуруҳлари раҳбарлари учун “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишнинг намунаси сайлов кўргазмаси” ташкил этилди.**



Шахримиз ҳаётидаги муҳим жараён – сайловларга очик, шаффолик ва демократик тамойиллар асосида тайёргарлик кўрилатгани, бунда албатта, миллий қонунчилигимиз муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бу балги фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови жамиятини янада ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш шароитида бўлиб ўтади. 2018 йилнинг октябрида “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди. Мазкур Қонун маҳалла институтини ривождаги муҳим қадамлардан бири бўлди. “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонунга кўра, эндиликда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) билан бир вақтда уларнинг

олдига қўйилган вазифалар кўлами кенгайиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мустақам ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Намунаси сайлов кўргазмасини ўтказишдан мақсад туманларда 2019 йил май ойида бўлиб ўтадиган фуқаролар йигини раиси сайловини демократик тартиб-тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 507-сонли қарори талаблари асосида ўтказишни ишчи гуруҳларга кўрсатиб беришдан иборат. — Маҳалла миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни асрлар оша асраб келаётган маскандир, — дейди Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Яққасарой

— Бугун ўзимиз учун энг керакли тадбирда қатнашдик, — дейди Олмазор туманидаги “Янги Сەбзор” маҳалла фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Сабоҳат Шорасуллова. — Бу эса бизнинг олдинда турган вазифаларимизни камчиликларсиз бажаришимизда кўмак беради. Тадбирда маҳалла фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли)нинг сайловини қай тартибда олиб бориш, уни ташкил этиш бўйича ишлар босқичма-босқич кўрсатиб берилди. Туманимизда сайлов жараёнини намунаси тарзда ўтказишни режалаштириб олдик. Бу эса сайловларнинг очик, ошқорча тарзда ўтишига хизмат қилади. Маҳалламизда 4500 нафар фуқаро истиқомат қилади, улардан 2500 нафари овоз бериш ҳуқуқи эга. Сайлов қонунчилигида кўрсатилган 18 ёшдан юқори бўлган, шу ҳудудда муқим яшайдиган фуқароларимиз мазкур сайловда ўзлари истаган номзодга овоз беришади. Шу кунгача маҳалламизда ишчи гуруҳ билан биргаликда йиғилишлар ўтказдик. Ҳар бир ишчи гуруҳ аъзосининг алоҳида иш дастури ишлаб чиқилди. Фаолиятларини қай тарзда олиб боришлари мўлжалланган ушбу дастурда ишчи гуруҳи вазифалари белгилаб берилди. Маҳалламиз асосан кўп қаватли уйлардан иборат. Шу сабабли ҳар бир ишчи гуруҳ аъзосига алоҳида уйлар бириктирилди. Сайлов олди олиб бориладиган ишлар, сайловларга масъулият билан ёндашиш муҳимлиги тушунириб ўтилди. Уйламанки, фуқароларимиз бу жараёнга масъулият билан ёндашади. Чунки ҳар бир маҳалла фуқароси маҳалла раисини ўз йўли билан сайлайди. Демак, у эртанги турмушнинг фаровон бўлишига ўз хиссасини қўшадиган номзодга овоз бериш муҳимлигини унутмаслиги лозим.

**САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА**

рой туман комиссияси раиси Умида Юлдашева. — У азалдан тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик кўрғони ҳисобланган. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий ва маърифий тарбиялаш, касбга йўналтириш, аҳоли орасида миллий-маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этмоқда. Маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ривожланиб, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тақомиллашмоқда. Сўнгги йилларда ушбу ноёб институт фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада мустақамланди. Ана шундай жараёнда маҳалла раисининг зиммасига катта масъулият юклатанди. Республикада ҳаётдаги муҳим сиёсий жараён – 2019 йил май ойида ўтказиладиган фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишга ҳозирда кизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, Яққасарой туманидаги 21 та маҳаллаларда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилиб, улар томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда ишчи гуруҳларга тегишли ҳудудда доимий истиқомат қилувчи аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатилмоқда. 27 март, 1 ва 5 апрель кунлари Яққасарой туман ҳокимлигида 21 та маҳалла фуқаролар йигини раислари вазифасига тавсия этилган 98 нафар номзодлар билан суҳбат ўтказилди.

Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови мамлакатимизда шаклланган демократик сайлов тизимининг узвий қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади. Бу жиҳатлари “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур Қонун бевосита маҳалла ҳаётига дахлдор бўлиб, унинг фаолият мезонларини белгилаб беради. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови тизимини маҳалла оқсоқолларига қўйлаётган янгича талаблар асосида амалга оширишга қўлай шароит яратиш, сайлов жараёнини очиклиги ва шаффофлигини янада оширишга йўналтирилган.

— Бугун республикада бўлгани каби пойтахтимизда ҳам бу жараёнга кизгин тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди Учтепа туманидаги 297-мактаб раҳбари, “Кўксарой” маҳалла фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Зулхумор Азимова. — Сайлов жараёнини ўтказишга бағишланган ўқув семинарда қатнашдик. Бизга келгусида ўтказиладиган сайловларда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тўла-тўқис, кўргазмалар тарзда тушунарлар берилди. Сайлов жараёнида бўлиб ўтадиган барча босқичларни – сайловни ўтказиш тартиби, бу борадаги ҳар бир жараённи билиб олдик. Энг муҳими, сайловни ушшоқлик билан ўтказиш оқсоқоли билан ва кўнжмаларимизни янада мустақамладики. Маҳалламизда сайловни ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди, сайловчиларнинг рўйхати тайёрланди. Камчиликларимизни бугунги семинардан олган кўнжмалар асосида бартараф этамиз. Бир неча йиллардан бери республикада ўтказиладиган сайловларда иштирок этиб келаман. Энг муносиб, маҳалла учун жон куйдирадиган, фаол, тадбиркор, зиёли инсонни раислик сайлаймиз, деган умиддамиз.

Бир сўз билан айтганда, “Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишнинг намунаси сайлов кўргазмаси”да қонунга қиритилган ўзгаришлар билан ишчи гуруҳлари таништириб чиқилди. Ишчи гуруҳга битта маҳалла мисолида намунаси сайлов жараёни кўрсатиб ўтилди. Буларнинг барчаси келгусидаги жараёнларда албатта асқотди.

**Зиёда РАСУЛОВА**  
Ислом Исмоилов олган суратлар

**Таълим**

**ЯХШИ МУТАХАССИСГА ТАЛАБ ҲАМИША ЮҚОРИ**

**Тошкент темир йўл муҳандислари институтида иқтисодиёт факультети талабалари ҳамда қурилиш факультети талабаларини ишга тақсимлашга бағишланган ишчи комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.**

Мазкур институти 2018-2019 ўқув йилида 20 таълим йўналишлари бўйича жами 1013 нафар бакалавр, 14 мутахассислик бўйича жами 80 нафар магистр, ҳаммаси бўлиб 1093 нафар ёш мутахассислар таъминланди. Битирувчи бакалавр ва магистратура талабалари корхона ва ташкилотлар талаб-эҳтиёжлари ва шартномаларига мувофиқ камид 3 йил ишлаб бериш шарт билан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидоги корхона ва тизим бирикчалари раҳбарлари билан ҳамкорликда ишга тақсимланди. Ўқув муассасасини 2018-2019 ўқув йили бакалавр ва магистр йўналишлари асосида тугаллаган талабалар “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидоги тизим бирикчаларига ишга йўланма олди. — Бугунги кунда ёш кадрларни иш жойи билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифалардан бири ҳисобланади, — дейди институтининг маркетинг бўлими

бошлиги Мақсуд Ҳайдаров. — Институти битирувчилари асосан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидоги корхона ва тизим бирикчаларига ишга тақсимландилар. Бундан ташқари, турли саноат корхоналарида ҳам битирувчиларимизга эҳтиёж мавжуд бўлиб, улар жумласига “Навоий тоғ-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ кирди. — Ишнинг осони бўлмайди, инсон қайси соҳада меҳнат қилмасин, эзгу мақсад билан яшаши, қийинчиликларни сабр билан енгиши керак, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг иқтисодиёт факультети битирувчиси Шохимардон Нормуродов. — Шундагина у нафақат ўзига, балки эл-юртга нафи тегади. Мен ҳам мутахассислигим бўйича “Кўприк қурилиш трести” корхонасида амалиётда бўлиб, дарс жараёнида олган билимларимни амалиётда қўлладим. Бу ўз мевасини бермоқда. Бугун барча қизикчиларим мақсадга айланди. Ишим жуда мураккаб жараёнлардан иборат бўлсада, қизикарли. Амалиёт

ўтаган корхонам мени ишга таклиф этди. Шохимардон сингари ўз олдида улкан мақсадлар қўйган ва эртанги кунига ишонч мустақам ёшлар – юртимиз келажигидир. Ёш мутахассисларимиз ўзларининг билим салоҳияти ва меҳнатсеварлиги билан замонавий ишлаб чиқаришнинг барча талабларига жавоб бермоқда. Мамлакатимизда мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг яна бир вақили иш билан таъминланди ва жамиятда ўз ўрнини топти. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Зеро, ҳозирги кунда юртимиздаги таълим даргоҳлари битирувчиларига меҳнат бозорига талаб юқори бўлган ва замонавий билимини чуқур эгаллаган ёш кадрлар тарбияланмоқда. Ҳар томонлама сифатли билим олиб, уни амалиётда мустақамлаётган, фойдали меҳнат билан шуғулланаётган, оиласига нафи тегаётган ёшлар жамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши ва етук кадр бўлиб халқимизга хизмат қилиши шубҳасиздир. **Гулчехра ДУРДИЕВА**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!**  
Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги барча умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида ёшларнинг адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш, шунинг баробарида бебаҳо неъматимиз – юртимиз мустақиллиги қадрини янада юксалтиришга қаратилган “Мустақиллик менинг тасаввуримда” номли кўрик-танлов ташкил этилмоқда. Иқтидорли ёшларимизни кўрик-танловда фаол иштирок этишга чорлаймиз. Маълумот учун телефонлар: (71) 244-65-17, (71) 244-65-02.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Эски Юнусобод кўчаси, 16-уй эгаси Миралимов Лутфулла номига туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон 11-тор, 3-берк кўчаси, 6-уй эгалари Далиев Валиджан Раҳимович, Далеева Дилорам Халитовна, Раҳимова Насиба Баҳодир қизи номларига туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганини сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЯПОНИЯЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК ЖОЗИБАДОРЛИГИ ҲАҚИДА ХАБАРДОР БЎЛАДИ**

**Япония халқи азалдан турли миллатлар тарихи, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарига катта қизиқиш билан қарайди ва шу боис тез-тез саёҳат қилади. Кунчиқар мамлакатнинг қатор сайёҳлик компанияларини вакиллари қайд этишича, кўплаб японияликлар Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка, Африканинг кўплаб машҳур ва тарихий шаҳарларида бўлган ва энди янги жозибador масканларни изламоқда.**

Айни пайтда японияликлар энг талабчан сайёҳлардан саналади. Улар саёҳатга олдиндан ва пухта тайёргарлик кўради, ташриф буорадиган мамлакатни батафсил ўрганади, саёҳат режалаштириладиган хорижий давлатдаги барча нарсалар, ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олади. Ўзбекистон Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакат сифатида уларнинг қизиқишини тобора жалб қилмоқда.

Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини кенг омалаштириш, японияликларни халқимизнинг қадимий ўтмиши ва бой маданияти билан таништириш мақсадида юртимизнинг Япониядаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлигида “Globe-Trotter Travel Guidebook” нашри вакилларининг мамлакатимизга ташрифи уюштирилди. Мазкур сафар махсули сифатида Япония нашри томонидан япон тилида Ўзбекистон ҳақида махсус рисола чоп этилди.

127 саҳифадан иборат мазкур нашр 30 минг нусхада чоп этилган бўлиб, у Япониянинг барча йирик ва ўрта даражадаги шаҳарларида тарқатилади. Келгусида компания мазкур қўлланмани яна 30 минг нусхада чоп этишни режалаштирмоқда.

Мазмунли ва ранг-баранг безатилган китоб япониялик сайёҳларга Ўзбекистон шаҳарлари, диққатга сазовор жойлари, меҳмонхоналар, рестороанлар, савдо марказларига доир батафсил маълумотларни тақдим этади.

Қўлланманинг электрон шакли мазкур нашр сифатида жорий йилнинг май ойидан ишга тушади.

Китобнинг алоҳида бўлимлари Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига бағишланган. Япониялик қизиқувчан ўқувчиларга кўплаб юқори сифатли фотосуратлар билан бир қаторда шаҳарлар хариталари, машҳур тарихий масканлар, музейлар, мавжуд транспорт воситалари турлари, меҳмонхоналар, бозорлар, савдо марказлари ва эсдалик совғалари сотиладиган дўконларга доир маълумотлар ҳам тақдим этилади. Шунингдек, ўзбек халқи ошонаси ва амалий санъат буюмларига оид кенг камровли ва батафсил маълумотлар ҳам эътиборга лойиқ.

Япониялик сайёҳларнинг қизиқувчанлиги ва талабчанлигини ҳисобга олган ҳолда, республикада худудда қўлланиладиган пул белгилари ва бошқа тўлов воситалари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган, ташриф мuddатлари доир тавсиялар берилган, миллий авиакомпанияда парвоз қилиш вақтлари ва авиакомпания хизматлари, шаҳарлараро қатнайдиغان поездлар, мамлакатга киришда тўлдириладиган ҳужжатлар, Ўзбекистонда энг кўп муомалада бўладиган тиллар, йилнинг турли мавсумларида ҳавонинг ўртача ҳарорати, электр тармоғига доир турлари, фотосуратга олиш ва чекишга доир чекловлар тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Умуман олганда, мазкур йўриқнома яқин орада Ўзбекистонга ташриф буориш истагида бўлган японияликларнинг барча саволларига жавоб беради.

Ўзбекистонга ташриф буорган Япония нашри муҳаррири Шимпей Итонинг қайд этишича, у юртимиздаги бетакор диққатга сазовор масканлар, самимий ва меҳмондўст халқимиз, мамлакатимизда олиб борилаётган ўзгаришлар ва хорижий сайёҳлар учун яратилаётган шароитлардан жуда катта таассурот олган. Энди у Ўзбекистонга ташриф буормоқчи бўлган япониялик сайёҳлар учун ушбу сафар улар ҳаётида энг унутилмас сафар бўлишига ишончи қомил.

“Globe-Trotter Travel Guidebook” нашри вакилларининг таъкидлашича, мазкур қўлланмани кенг тарқатиш япониялик фуқароларнинг Ўзбекистон, унинг тарихий масканлари ва сайёҳлик жозибadorлигига оид маълумотлардан хабардорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради, бу эса, ўз навбатида, сайёҳлар оқимининг ортишига хизмат қилади.

ЎЗА

**“ТОШКЕНТ ОКШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

# СПОРТ БИЛАН ҲАМНАФАС

**“Ватанпарвар” ташкилоти “Чилонзор Ўқув спорт техника клуби” унитар корхонасида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ва оммалаштириш учун спортнинг техник ва амалий турларидан ракетамодел кўргазмаси намойиши ва милтиқдан ўқ отиш спорт тури бўйича машғулотлар ўтказилди.**



Кўргазмалари машғулотда ташкилотнинг “Чилонзор ЎСТК” ўқув қисм мудир И.Улмасов, спорт мураббийи А.Домлажонов ҳамда ёшларни чақирувга тайёрлаш бошқаруви ўқитувчиси Р.Тоштемиров ва тумандаги 200, 202, 217-ўрта мактабларининг Жалололдин Манғуберди номли ҳарбий спорт тўғарага ўқувчилари қатнашди.

ҳамда пневматик милтиқдан ўқ отиш секциялари мавжудлиги, бўш вақтда келиб қатнашиш мумкинлиги айтиб ўтилди. Спорт турларига тўхталиш баробарида корд авиомодель, хона авиомодель, эркин учиб, радио бошқарув авиомодели ва ракетамодел турлари ҳақида батафсил тушунчалар берилди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоблар олишди.

— “Ватанпарвар” ташкилотининг бундай кўргазмалари тадбирларни ташкил этишдан асосий мақсад ёшларни спорт мусобақаларига жалб этиш, уларни бўш вақтини унумли ўтказиш, қолаверса спорт билан шуғулланган ҳолда келажақда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиши мумкинлигини яна бир бора эслатиб ўтишдир, — дейди ташкилотнинг Маънавият, ТОИ ва ХВТ ишлари бўйича бошлик ўринбосари Умида Гулямова. — Тадбир давомида Тошкент шаҳар тасарруфидога “Чилонзор ўқув спорт техника клуби”да авиомодель ва ракетамодел

Тадбирда ўқувчиларга “Ватанпарвар” ташкилоти ҳақида тушунча бериб ўтилди. Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари, унинг жамиятдаги ўрни, ўз фаолияти давомида эришилган кўрсаткичлари ҳақида батафсил тўхтаб ўтилди. Шундан сўнг спорт мураббийи А.Домлажонов ташкилот негизда фаолият юритиб ке-

лаётган спортнинг техник ва амалий турлари бўйича тўғарақ ва секциялар мавжудлиги, уларда кўплаб ўсмирлар қатнашиб келаётганлиги ва турли спорт мусобақалари, танловлар, кўргазмаларда, ҳатто халқаро мусобақаларда иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаётгани ҳақида гапириб ўтди. Шундан сўнг ташкилот негизда жойлашган тир хонасида мураббий пневматик милтиқдан ўқ отиш тартиб-қоидалари ҳақида тушунтириб ўтди. Барча ўқувчилар ўқ отиш бўйича ўзларининг маҳоратини синаб кўришди.

Зарина РУСТАМОВА

## Футбол янгиликлари

### ШИДДАТЛИ ЎЙИН ВА ЖАНГОВАР ДУРАНГ

**Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси турнирининг гуруҳларида навбатдаги 3-тур беллашувлари уюштирилди.**

“Пахтакор” марказий стадионига ташриф буюрган минглаб мухлислар ОЧЛнинг 3-турида жаҳон футбол юлдузи, собиқ жаҳон чемпиони Хави ўйинларидан баҳраманд бўлишди.

“Пахтакор” жамоаси ўз майдонида Қатарнинг “Ал-Сауд” жамоасига қарши майдонга тушди. Мухлисларга маълумки, бир неча йиллардан буён испаниялик жаҳон футбол юлдузи, жаҳон чемпиони, “Барселона” клубидаги аjoyиб ўйинлари билан барчанинг меҳрини қозонган Хави Қатарнинг “Ал-Сауд” командаси шарафини ҳимоя қилади. Қувонарлиси, Хави Тошкентга келди ва “Ал-Сауд” таркибидан майдонга тушди. “Пахтакор” ҳамда “Ал-Сауд” ўртасидаги беллашув жуда қизиқарли,

шиддатли курашларга бой кечди. 90-дақиқа давом этган ўйинда дарвозаларга 4 та гол киритилди. Учрашув 2:2 ҳисобидаги жанговар дуранг билан яқунланди. Мезбонлардан Х.Алижонов ва Д.Черан голларга муаллифлик қилишган бўлса, тошкентликлар дарвозасига киритилган ҳар икки голга Хави муаллифлик қилди.

Саудия Арабистонида “Ал-Иттиҳод” жамоаси меҳмони бўлган амалдаги Ўзбекистон чемпиони “Локомотив”дан ОЧЛнинг 3-турида омад юз ўғирди. Мурасимиз кечган ўйин майдон эгаларининг 3:2 ҳисобидаги галабаси билан тугади. “Локомотив”дан мезбонлар дарвозасини Ж.Искандеров ва Ф.Райевац аниқ нишонга олишди.

## ШАЙХ САЛМОН ЯНА ОФК ПРЕЗИДЕНТИ

**Малайзиянинг пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ОФКнинг навбатдаги Конгресси бўлиб ўтди.**

Анжуманда асосан ташкилий масала кўриб чиқилди. Яъни ОФКни яна тўрт йил давомида баҳарийлик функционер шайх Салмон бин Иброҳим Ал Халифа президент сифатида бошқарадиган бўлди. Дарвоқе, 2013 йилнинг май ойидан ОФК раҳбари сифатида иш бошла-

ган шайх Салмон ФИФА вице-президенти лавозимида ҳам фаолият олиб боради. Анжуманда иштирок этган УФАнинг биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджонов ФИФА раҳбари Жанни Инфантино билан учрашди. Сўхбат давомида ўзбек футболининг келажа-

ги ҳусусида ҳам сўз борди. Шунингдек, ўзбек футбол мутасаддиси анжуман доирасида Осиё Олимпия Кенгаши президенти шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабах билан ҳам учрашди, турли масалаларни муҳокама қилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

## ҚИДИРУВДАГИ 6 ТА АВТОМАШИНАЛАР ТОПИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига кўра, Бош прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилганди.**

Бюро зиммасига энергия ресурслари учун тўловларни ўз вақтида ундириш, электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланмиш ҳамда талон-тароқчиликнинг олдини олиш ва бошқа ҳужжатларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Бу каби вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда Бюронинг бўлимлари ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Бюронинг Сергели туман бўлими иш юритишида бўлган Тошкент вилояти иқтисодий судининг 2018 йилнинг 17 майдаги 11-1535/18826-сонли ижро варақасига асосан қарздор “Равон такси” МЧЖдан ундирувчи “Турон Банк” Миробод филиали фойдасига жами 338.875.792 сўм ундирув билан боғлиқ ижро иши юзасидан ундирувчи гаровга қўйилган автотранспорт воситаларига қаратиш тўғрисидаги ижро ҳужжати кўра, 2018 йил 12 ноябрь куни давлат ижрочиси томонидан қарздор МЧЖга тегишли бўлган автотранспорт воситаларига қидирув эълон қилинди.

Бўлим ходимлари томонидан олиб борилган тезкор қидирув

ҳаракатлари натижасида МЧЖга тегишли бўлган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 915 EDA ва 2014 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01 125 GDA бўлган “Нексия” автотранспорт воситалари Қоракалпоғистон Республикаси Амударё туманида эканлиги аниқланиб, ўтган йилнинг декабрь ойида Бюронинг Сергели туман бўлимига топширилган.

Шунингдек, 2014 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01 118 GDA “Нексия” русумли автотранспорт воситаси Қашқадарё вилояти, Китоб туманида эканлиги, 01 269 FDA бўлган автотранспорт воситаси Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳрида эканлиги аниқланиб, 2018 йил 27 декабрь куни Бюронинг Сергели туман бўлимига топширилган.

Бундан ташқари, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2018 йилнинг 18 июндаги ижро варақасига асосан қарздор “AVTO TEXMASH JASUR” МЧЖдан ундирувчи “Турон Банк” Миробод филиали фойдасига жами 1.054.723.515 сўм ундирув билан боғлиқ ижро иши юзасидан ундирувчи гаровга қўйилган авто-

транспорт воситаларига қаратиш тўғрисидаги ижро ҳужжатига мувофиқ 2018 йил 12 декабрь куни давлат ижрочиси томонидан қарздор “AVTO TEXMASH JASUR” МЧЖга тегишли бўлган автотранспорт воситаларига қидирув эълон қилинган.

Олиб борилган тезкор қидирув ҳаракатлари давомида мазкур МЧЖга тегишли бўлган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01 858 TTS бўлган “SOBALT” русумли автотранспорт воситаси Фарғона вилоятида, 2013 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01 335 TTD бўлган “Нексия” русумли автотранспорт воситаси Андийкон вилояти, Асака туманида эканлиги аниқланиб, 2019 йил март ойида Бюронинг Сергели туман бўлимига топширилган.

Бюронинг Сергели туман бўлими қидирув бўйича инспектори Улуғбек Худойбергвановнинг олиб борган тезкор қидирув ҳаракатлари натижасида баҳоланиб, “Турон Банк” Миробод филиали томонидан унга ташаққурнома топширилди.

**Хуришд ОЧИЛОВ, Мажбурий ижро бюросининг Сергели туман бўлими бошлик ўринбосари**

## Мусобақалар

### Кўнгилли ёш қўтқарувчилар маҳоратини кўрсатади

**Ёшларни она Ватанга садоқат, мардлик ва муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар онгиди ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини, фақуллода вазиятларда ва кўнгилисиз ҳодисаларда амалий ҳаракат қилишда руҳий барқарорликни, ўз-ўзига ишончни шакллантириш, ёшларда чаққонлик, чидамлилиқ, тезкорлик каби спорт сифатларини ривожлантириш ва соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида яна бир хайрли ишга қўл урилди.**

18 ва 20 апрель кунлари “Ёш қўтқарувчи” кўнгиллилар клублари ўртасида Тошкент шаҳар босқичи мусобақалари ўтказилди.

Юнусобод туманидаги 328-мактабда бўлиб ўтаётган мусобақалар Тошкент шаҳар Фақуллода вазиятлар бошқармаси Халқ таълими бош бошқармаси, Касб-хунар таълими бошқармаси, шаҳар Маданият бош бошқармаси, Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ва Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Унда биринчи кун “Ёш қўтқарувчилар” кўнгиллилар клуби туман босқичи бўлган 11 та мактаб жамоалари, кейинги кунда эса касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар жамоалари галаба учун кураш олиб боришади.

Гуруҳларга жамланган қатнашчиларнинг фақуллода вазиятларнинг турлари, сел, қор ва ер кўчилари, зилзила ҳамда қўтқарувчиларга таъриф беришлари лозим бўлади. Шунингдек, улар бешта шарт бўйича жабрланувчига тез тиббий ёрдам кўрсатиш, қон тўхтатиш, сингланган жойларга шина қўйиш, тана куйганида биринчи ёрдам бериш, чўккан одамга дастлабки ёрдам кўрсатиш, ис гази ёки табиий газдан заҳарланганда илк кўмак бериш, дарёдан арқонлар ёрдамида ўтиш ҳамда белгиланган вақтда палатка йиғиш, арқон ёрдамида юқорига кўтарилиш ва белгиланган баландликдан пастга тушиш машқларини бажаришади. Бундан ташқари, гуруҳлар ўртасида 60 метрга тўсиқлар оша эстафетали югуриш беллашувлари ҳам ўтказилди.

Амалий машқлар ва баҳслар давомида ўзининг ҳар томонлама галабага бўлган интилишини кўрсатган жамоа “Галабага бўлган иштиёқи учун” номинацияси бўйича голиб деб топилди. Шунингдек, чаққонлиги, билимдонлиги, тезкор ҳаракатлари билан гуруҳнинг голиб бўлишига катта ҳисса қўшган иштирокчи ўсмир “Энг истиқболли иштирокчи ўсмир” ва қиз болалар “Энг истиқболли спортчи қиз” номинацияси бўйича голибликни қўлга киритади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ УЧУН ТАНЛОВ

“Нефтегазминерал” МЧЖ 2018 йил учун бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС) ва самарандорликнинг муҳим кўрсаткичлари (СМК) бўйича аудит текшируви учун мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади. Танловда “Корпоратив бошқарув кодекси”да белгиланган ташкилотлар сирасига кирувчи мустақил ташкилотлар иштирок этиши мумкин.


Танловда иштирок этишни хоҳловчи ташкилотлар 2019 йилнинг 18 апрелига қадар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун хизмат нархи ва шартлари кўрсатилган ҳолда танловда иштирок этиши тўғрисида иштирокчининг таклифи; давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома, тегишли фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхалари;

жамият корпоратив бошқарув тизимини баҳолашда қатнашувчи мутахассислар ҳақида маълумот (резюме), шунингдек, уларнинг малакасини тасдиқловчи сертификатлар нусхалари.

Қўшимча маълумотлар қуйидаги телефонлар орқали олиниши мумкин:  
Тел.: (71) 231-69-71.

Электрон почта: [neftegazmineral@bk.ru](mailto:neftegazmineral@bk.ru)  
Манзил: Тошкент шаҳри, Аэродром кўчаси, 18-уй.



## МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРИДИР

Беҳуда хаёл суриб ўтиргандан кераксиз бўлса ҳам бир иш қилган афзал.

\*\*\*

Меъёрни унутганнинг боши ҳам.

\*\*\*

Кўнгил истаги йўлида ақл гов бўлади.

\*\*\*

Тўғри сўздан билинар, Ўғри кўздан.

\*\*\*

Аҳмоқ ўчган ўтдан аланга чиқармоқчи бўлади.

\*\*\*

Бошқаларга панд берган ўзи ҳам панд емай қолмайди.

\*\*\*

Ўрнини билганнинг ҳурмати ўзи билан.

\*\*\*

Бир нарсага банд бўлган бошқа нарсани унутади.

\*\*\*

Ким кўнгил одами, ким ақл.

\*\*\*

Нақд топилади, вақт топилмайди.

\*\*\*

Гофилни уйку босади, Оқилни туйғу.

\*\*\*

Кўп гапириб ҳеч ким обрў топмаган.

\*\*\*

Замондан орқада қолган замонни айблаб яшайди.

\*\*\*

Қанча баландга чиқсанг, атроф шунча тиник кўринади.

\*\*\*

Сафар ва суҳбатлар ўзингни чуқур англашинга ёрдам беради.

Ўзингнинг кўп нарсани билмаслигингни англайсан.

Сафар одамни пиширади. Суҳбат ақлни чархлайди.

\*\*\*

Замондан узилиб яшаб бўлмайди.

\*\*\*

Одатда, ҳеч кимга ёрдами тегмайди деган ҳақонлар ҳаммадан умидвор бўладилар.

\*\*\*

Яхшиликни фақат яхши билади, ёмон яхшиликка ҳам ёмонлик қилади.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Яшнобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Яшнобод тумани, Гузал кўчаси, 33-уй учун Хошимов Абдухалил Холбоевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Тошкент шаҳрида 17 апрель куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади, момақалдирок бўлади. Ҳардан секундида 5-10, қучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳаро-

рат кечиси — 14-16, кундузи — 17-19 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 17 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.